



Алишер Навоий ўз ақлу заковатини жуда ёшлигидан бошлаб жонажон халкининг маънавий-маданий раванкига хизмат килдирган буюк сиймодир.

Ўз халкининг — «эгнида ширдоғу, бошида калпокли ўзбек»нинг маънавий олами бадий ижод оркали бойитишни ўзининг юксак бурчи деб билган шоир, хатто халк бошига бало, офат тушадиган бўлса, доимо у менга келсин дейди:

Агарчи саъб балодур вале будур тилагим,  
Ким бу бало манга бўлгай хамиша то бўлгай.

Алишер Навоий халкининг дилини равшанлаштириш, хаёт гўзалликларини турли назм бўёқлари билан кўришга муяссар қилишдек улуғвор машаккатли ишга бел боғлайди. «Турк алфозига дағи мулоҳазани лозим кўрилди — оламе назарга келди, ўн саккиз минг оламдин ортик, анда зеб ва зийнат; ва сипехре табъга маълум бўлди; тўккуз фалақдин ортук, анда фазл ва рифъат; махзане учради, дурлари кавокиб гавхарларидин рахшандарок: ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандарок: харими атрофи эл аёғи етмақдин масун ва ажноеи гаройиби гайр илги тегмақдин маъмун». Улуғ шоирнинг бу сўзлари унинг ўз ижодида — тўртта газаллар девони, «Хамса»си хамда бошқа жамъи 25 та асардан иборат ўзбекча (туркча) ёзилган мероси мисолида яккол кўринади.

Алишер Навоийнинг калам ахлидан ва ўзидан хам ягона талаби: «сўзни кўнгилда пишкармагунча тилга келтурмас» лиқдир:

Донау дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жахон бахрида дурдона бил.

Мазкур байтдан хам яна бир бор кўринадики, поэтик ижодда шоир сўз кўллашнинг ўта устаси — етук санъаткор бўлган.

Маълумки, Алишер Навоий 8—9 ёшларидан бошлаб етук газаллар ижод қила бошлаган. Бирок назмий ижоди шарқ адабиётидаги девон тузишнинг анъанаси ва маълум талабларига тўла мос келган бўлса хам ёш шоир ўз газалларини девон сифатида тўплашни ўйламай, хар куни янги мавзуда «абётлар» битганини

Хар кун яна бир ишк иладур афсона,  
Хар тун яна бир шамъгадур парвона.  
Иш анга жунун, манзил анга майхона  
Девон ясамокни не билур девона —

тарзида айтган эди.

Алишер Навоий хар бир байтини фарзанд деб билади. Дастлаб, 1484 йилда

Шеър хам чун кишигадур фарзанд,

Кўнглига куту багрига пайванд,

деса, 1485 йилда хатто шеърни ташкил килувчи хар бир сўз гушишган, ўз боласига ўхшаш эканлигини таъкидлайди.

Ки сўз зодаи табъи фарзанд эрур,

Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Шоир бу фикрларини 1499 йилда эса хулосалаб:

Жахонда кимга бўлса мунча фарзанд,

Ки бўлгай барча рухафзоу дилбанд —

дейди. Хакикатан хам, шоирнинг ўз «фарзандялари воситасида мана асрлар давомида «рухафзоу (рухлантирувчи) дилбанд (фарзанд)» бўлиб келаётгани шубхасиздир.

Алишер Навоий девон тузишга факат ўрта ёшарлик даврида киришади:

Навоий гамга колди ўз каломи жонфизосидин,

Анингдек ким, етар булбулга мехнат ўз навосидин...

Ранж кўрмай киши топарму фарог,

Кўнгли ўртамайин ёнарму чарог.

Тухм ерга кириб чечак бўлди,

Курт жондин кечиб ипак бўлди.

Шоир адабий фаолиятига танкидий караб, ўз-ўзига савол беради:

Лола тухмича гайратинг йўкму? Пилла куртича химматинг йўкму?

Зўр ихлос ва кунт билан «абётяини девон килишга кириш-ганини маълум килади:

Хукм мазмунига калам чектим,

Сафхи тартибига ракам чектим.

Мана шундай захматлардан сўнг «Чор девон» ёки «Хазойин ул-маоний» девонлари тартиб топган эди. Алишер Навоий ўз девонларини шохнинг касри, ўзини эса мана шу олий касрни безовчи меъмор, балки мардикор деб билади:

Гараз ул эрдиким, бу касри олий,

Ки харгиз бўлмагай, ёраб, заволи...

Ани шах ихтимоми килди маъмур,

Мени меъмор фарз эт, балки муздур.

Хар бир меъмор, уста ўзи барпо этадиган олий касрлар пештокига, албатта, исмини ёзиб кўяди. Мазкур «шоҳ каср» айвони пештокида хам Алишер Навоийнинг исми ўчмас нурли зарлар билан битилажани шоир куйидагича ифодалайди:

Китоб ўлгай бу касри чархи кирдор,

Бу исм айвонида бўлгай намудор...

Бу шох айвони умрининг биноси,

Матин ўлсун, нечукким чарх асоси.

Кадар девонидин хар лахза комин,

Казо дилхохидек еткурсун, омин!

Алишер Навоий девонидаги газалларнинг турли вақт ва ҳолатларда ёзилганлиги хамда.

барча байтларининг умумий хажми хакида куйидагича маълумот беради: «Яна

дакойикшиор мухаккиклар хизматида ва хакойикдисор мудаккиклар хазратида арзим

улдурким, бу паришон абётим, шах килгондек тартиб топти, бу зобита кайдига кирмастин

ва робита силкига тортилмасдин бурун, бу жихатдинким, агар баъзиси васатисинда

айтилгон бўлса, баъзи сигарисинда айтилиб эрди ва баъзи фикрий бўлса... бадиха ва баъзи сог эрканда бўлса, баъзи усруклукда ва баъзи хушмандликда бўлса, баъзи девоналикда вокиъ бўлуб эрди. Ароларида, шоядки, фохиш тафовут бўлгай деб жамъ килмогида далирлик килинмас эрди, аммо халойик аросида минг байт, икки минг байт ортугрок ўксукрок ким ўзлари жамъ килиб эрдилар багоят машхур бўлуб эрди. Булар-нинг тартибига хукм бўлгондин сўнгра баъзи абётеким, хомрок ва баъзи газалиётеким, нотаомрок эрди, китобат шуюидин ва шухрат вукуъидин ўзгалар орасидин хориж килмоклик мутааззир, балки мухол кўрунди». Ушбу муло-хазалар «Хазойин ул-маоний» девонига шоирнинг барча га-заллари киритилмаган, деган фикрни тасдиқлайди.

Алишер Навоий газал шайдоларига мурожаат килиб, ўз девонида содда байтлар ҳам борлиги учун айбламасликни, «гул аросинда бир тикан» ва «яхшилар ичинда бир ёмон», албатта, бўлишлигини айтади:

Шукр, ўлса, хумор ҳам бўлур бу давронда,

Айб айлама, содда байт бу девонда.

Юз гул аросинда бир тикан бўлса, не тонг,

Юз яхши ичинда бир ёмон бўлса, не тонг.

Ва, ниҳоят, Алишер Навоий 1499 йилда ёзган олтинчи маснавиёти — «Лисон ут-тайр» («Куш тили»)да барча асарларининг мисралар микдори хақида ҳам маълумот берган:

Назму насрим котиби тахминшунос,

Ёзса юз минг байт этар эрди киёс.

Шунга кўра, Алишер Навоийнинг бутун ижоди икки юз минг мисрадан зиёд деган хулосага келиш мумкин. Лекин шоирнинг форс-тожик тилида ёзган газаллари ва масна-вийлари сони ҳам шу ҳисобга кирган-кирмагани бизга маълум эмас.

Баҳром Бафоев, филология фанлари доктори

Аҳмаджон Каримов, филология фанлари номзоди